

Сизга шараф, сизга шон, азиз устозлар!

Дунё иморатлари ичида энг мўтабар маскан

Таълим ислохотлари туфайли бутунлай янгича қиёфа касб этган, келажгимиз асоси бўлган ўғил-қизларга таълим ва тарбия бераётган бундай улуг даргоҳни, тўғриси, энди «оддий мактаб» дейишга тилим бормайди. Ишончим комил, мамлакатимиздаги барча касбдошларим бугун ўз мактаблари ҳақида айнан шундай фикр билдиради, — дейди партияимиз фаоли, таниқли ўқитувчи Камолиддин Ғолиров.



Камолиддин ҒОЛИРОВ, Ўзбекистон Қахрамони.

Мен ўқитувчи бўлганимдан фахрланаман. Мактаб менинг иккинчи уйим, касбдошларим оғаниларим, ўқувчиларим эса фарзандларим. Ҳар куни эрталаб мактабга шошаман. Ўқувчиларим кўзига кўзим тушиши билан дилим яйраб, қувончим ичига сигмай кетади. — Ассалому алайкум, устоз! — дейишдаи ҳар бир ўқувчим истикболимга пешвоз чиқиб. — Ваалайкум ассалом, умринг зиёда, бахтинг бутун бўлсин! — дейман ич-ичимдан қувониб. Шундай кезларда «Мен бахтлиман» дегим келади. Ҳа, ўқитувчилик касбини танлаб хато қилмаган эканман. Устозларимга чеқисиз ҳурматим, меҳр-муҳаббатим, «улардай бўламан» деган орзу-ният билан шу касбини танлаган эдим. Мана, ўқитувчи бўлиб ишлаётганимга ҳам 40 йил тўлди. Фаолиятимнинг тенг ярми, яъни кейинги 20 йил мен учун ҳақиқий қайта шаклланиш ва улғайиш даври бўлди. Муҳтарам Ўртбошимизнинг таълим соҳа-

сига кўрсатаётган юксак эътибори туфайли ўқувчиларга билим олиши ва касб-хунар эгаллаши учун бекум куёт шарт-шароит, ўқитувчиларга ижодий ишлаши учун барча имконият ва қулайлик яратиб берилди. Бир сўз билан айтганда, биз ишлаётган ва ўқиётган мактаб «дунё иморатлари ичида энг мўтабар» мухташам бинога айланган. Ўқитувчиликнинг маъно-мазмунини, бу касбнинг қанчалик шарафли ва масъулиятли эканини дилдан англаб етдик. Энг муҳими, ўқитувчи, устоз сифатида кадр-қиммат топдик, шарафландик. Бунинг амалий тасдиғини ҳар қадамда кўриш мумкин. Ойлик маошларимизнинг мунтазам ортиб бориши, 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни — умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиши, ҳар йили таълим соҳаси ходимларидан кўпчилигининг давлат мукофотлари билан тақдирланиши соҳамизга кўрсатилаётган гамхўрликнинг исботидир.

Ўзимдан мисол, умумтаълим мактабларининг 7-, 8-, 9-синфлари учун кимё дарсликлари ва уларни ўқитиш методикаси ҳам муаллифи, Шахрихон туман Кенгаши депутати бўлдим, Олий аттестация комиссиясининг қарори билан доцент илмий унвони олдим. Мендай оддий бир ўқитувчига Шахрихон туманидаги 53-ихтисослаштирилган мактаб директорлиги ишониб топширилди, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» унвони, «Эл-юрт хурмати» ордени, «Ўзбекистон Қахрамони» олий унвони билан тақдирландим. Аввал бирон-бир мактабнинг битирувчиси пойтахтдаги олий ўқув юртига ўқишга кирса, бу туманда шов-шув бўлар эди. Бугун битирувчиларимиз Ватанимиздаги, чет эллардаги нуфузли олий ўқув юртларига ўз билими билан ўқишга кирмоқда. Республика ва халқаро фан олимпиадаларида, турли чемпионатларда, санъат анжуманларида қатнашиб, қувончли ютқларга эришмоқда.

Мен бошқариб келаётган мактаб 2002 йили ташкил топган. Шу кунга қадар 558 нафар ўқувчининг 11-синфини битирди. Уларнинг 421 нафари, яъни 75 фоизи олий ўқув юртларининг талабаси бўлди. 106 нафар ўқувчимиз фан олимпиадаларининг совриндори, уларнинг 4 нафари республика ва 1 нафари халқаро фан олимпиадаси ғолибидир. 12 нафар ўқувчимиз спортнинг шоҳмот, қаратув турлари бўйича вилоят ва республика чемпионлари. Юзлаб иқтидорли ўқувчиларимиз илмий-ижодий ишлари билан тенгдошларига ўрнук бўлмоқда. «Билимлар синови»нинг вилоят босқичида иштирок этган 20 нафар



ўқувчимизнинг 15 нафари 1-, 2-, 3-ўринларни эгаллади. Бунинг барчаси Ўртбошимиз ёшлар тарбиясига катта эътибор бериб, таълим соҳасини жамиятимиз равнақи омилига айлантириш учун олиб бораётган саъй-ҳаракати натижасидир. Ингирма йил аввал мактаб қандай ҳолатда эди? Бугун-чи? Масалан, мен ишлаётган мактаб туман марказидан анча олисда жойлашган, аммо унинг биноси, ўқув лаборатория жиҳозлари, синф хоналари, хатто ўқитувчиларнинг савияси ҳам шаҳар мактабларникидан асло қолишмайди. Таълим ислохотлари туфайли бутунлай янгича қиёфа касб этган, келажгимиз асоси бўлган ўғил-қизларга таълим ва тарбия бераётган бундай улуг даргоҳни, тўғриси, энди «оддий мактаб» дейишга тилим бормайди. Ишончим комил, мамлакатимиздаги барча касбдошларим бугун ўз мактаблари ҳақида айнан шундай дейди. Шахрихон туманида 64 та умумтаълим мактаби бор. Уларнинг барчаси Мактаб таълими-

ни ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури асосида мукаммал жорий таъмирланди, реконструкция қилинди. Замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланди. 10 та касб-хунар коллежи, битта академик лицей қурилиб, ёшлар ихтиёрига топширилди. Туманимиздаги барча ўқув муассасаларининг шарт-шароити, имкониятлари ривожланган мамлакатлардаги ўқув даргоҳларидан асло қолишмайди. Бунинг учун ўз номимдан, барча ўқувчиларимиз, уларнинг ота-оналари, минглаб касбдошларим номидан соҳага гамхўрлик кўрсатаётган Ўртбошимизга миннатдорлик билдираман. Азиз ватандошлар, меҳридарё ҳамкасблар! Ватан равнақи учун бор кучимизни ишга солиб, астойдил меҳнат қилайлик. Келажгимиз эгаси бўлган фарзандларимизга шундай таълим-тарбия берайликки, улар ҳеч қачон, ҳеч кимдан кам бўлмасин, ўз Ватани, халқиға садоқатли инсонлар бўлиб вояга етсин.

Бизнинг Мўйноқ тумани марказидаги 2-умумтаълим мактаби етмиш беш йил илгари ташкил этилган, Тошкентни кўйиб турайлик, у Нукусдан 240 километр узоқликда жойлашган. Лекин юртимизда амалга оширилган кенг қамровли таълим ислохотлари туфайли мактабимиз 2008 йили тубдан таъмирланди ва жиҳозланди. Ишонинг, ҳеч бир даврда ота-оналар ва ўқувчилар унга ҳозиргидай ҳавас билан қарамаган.

Биз чекка тумандамиз

лекин таълим тизимидаги ислохотлардан тўла баҳрамандмиз

Мактабнинг фан хоналари, кимё, физика ва биология лабораториялари, компьютер хонаси ва спорт зали замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Уларда 44 нафар ўқитувчи дарсдан ташқари, 11 та тўғарақда 389 нафар ўқувчига қўшимча машғулот ўтказилади. Гулжаҳон Данебекова, Феруза Доспанова, Жаксигул Бекмуродова, Гулнора Камолова, Мирзабой Низаматдинов ва Гулжаҳон Сметова каби тажрибали ўқитувчиларимиз республика фан олимпиадаларида совринли ўринларни эгаллаб келапти. Қорақалпоқ тили ўқитувчиси Қунсулов Носирова «Йил ўқитувчиси — 1996», «Ижодкор ўқитувчи — 1997» каби танловлар ғолиби бўлди, у қатор китоблар муаллифи, Президент Фармонига кўра 1997 йили «Шухрат» медали, 2010 йили «Дўстлик» ордени билан мукофотланди. Шундай пайтда, чекка тумандаги оддий бир ўқитувчининг хизмат-

лари шунча қадрлиқ, Ватанимиз мукофотларига сазовор бўлиши кўнгилда розилик ва миннатдорлик уйғотади. Тўғри, ўз вақтида бизнинг мактабда таълим олган Жуманазар Бозорбоев бугун академик, Дошанбой Носиров, Азиза Нурмахонова эса профессор. Бугунги ўқувчилар эса уларга илҳом бўлишга интиломоқда. Ўртбошимиз таълим соҳасига катта гамхўрлик кўрсатиб келаётгани учун ишонч билан айтаманки, бу ўқувчилар орасидан академиклар, профессорлар, турли соҳа етакчилари етишиб чиқади. Чунки ўқитувчиларимиз бизга кўрсатилаётган гамхўрликка жавобан юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги ва мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшади деган ёшларни тарбиялаб вояга етказиш учун бор билим ва тажрибасини ишга солмоқда. **Тоҳир ДОСПАНОВ, Мўйноқ туманидаги 2-умумтаълим мактаби директори.**

Реклама

«ШЎРТАНГАЗКИМЁ»

мажмуаси жамоаси

мамлакатимиз таълим соҳаси ходимларини **Ўқитувчи ва мураббийлар куни** билан самимий муборакбод этади!

Азиз устозлар! Сизларга сиҳат-саломатлик, хонадонингизга бахт-саодат, келажгимиз бўлган баркамол авлодни тарбиялашдек олижаноб ишингизда куч-ғайрат ва янги ижодий муваффақиятлар тилаймиз!

Ona, Vatan, Mustaqillik

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHIRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	Muslihidin MUHIDDINOV
Latif G'ULOMOV	Tat'yana KISTANOVA	Ochilboy RAMATOV
Bobir ALIMOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)	Saidahmad RAHIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA	G'affor HOTAMOV	
Murodulla ABDULLAYEV	(Bosh muharrir o'rinbosari)	

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

*Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 1046
10228
nuxxada bosildi.

t — Tijorat materiallari
Topshirish vaqti — 21.00
O'ZA yakuni — 04.00
Topshirilgan vaqti — 05.00

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Elmurod EGAMQULOV

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5